

---

## ХИТОЙЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ИССИҚХОНАЛАР

Лимончиликда ўз мактабини яратган, у ерда етиштирилган лимонлар экспортга йўналтирилади. Таърифни эшитган одам гап Сойёни МФЙ ҳақида кетаётганини дарҳол пайқайди.

--Ўтган 2022 йилда МФЙга тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқаролар ва камбағалликни қисқартириш учун 950 млн сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган эди, – дейди маҳалла ҳоким ёрдамчиси Аҳмаджон Мингпўлатов. – 2023 йилда 2,5 млрд сўм ажратиладиган бўлди. Маҳалламиз тўлиқ лимончиликка ихтисослашмоқда. Бир йилда 2-2,5 минг тонна лимон экспорт қилиш салоҳиятига эгамиз.

3518 нафар аҳоли истиқомат қилувчи ушбу маҳаллада 80 дан зиёд тадбиркор бўлиб, амалга ошириладиган ишлари билан танишдик.

Отабек Абдуллажонов 33 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, яшаш хонадонидан пеноблок ва қурилиш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйибди. 3 нафар маҳалла фуқаросини иш билан таъминлади. Тадбиркорнинг айтишича, чиқараётган маҳсулотларини қўшни Тошлоқ ва Ёзёвон туманининг ҳар еридан харидорлар келиб, олиб кетишаётганини гапирди.

Дилшод Зайлобов, Жўрабек Сарбоев, Сарвар Арапов ҳам имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкиллашибди. Экилган помидорлар ҳосил туккан, пишишга яқин. Жўрабек 6 сотих ерга сабзи сепган бўлса, Сарварнинг иссиқхонасида картошка авжида.

Маҳалла идораси ёнидаги нонвойхонада бўлди. Тадбиркор-нонвой Салоҳиддин Турғунов нон қилишда амалга ошириладиган ишларни кўпини одам омилсиз, технологияларга юклаганини кўриб ҳайратландик. Деярли барча жараён 33 млн. сўм эвазига сотиб олган техникаси орқали амалга оширмоқда. Нонвойнинг ёпган нонларини кўрсангиз „, куляпти“.

Маҳалла кўчаларини айланиб, кўрдик. Сойёнида барча меҳнат қилиш билан банд. Деярли барчанинг хонадонидан иссиқхона борлигини кўришингиз мумкин.

Ҳоким ёрдамчиси А.Мингпўлатов қизиқ гап айтди: “Сойёнидаги иссиқхоналарни кўрган хитойлик мутахассислар ҳайратланишганди”. Бу ҳақиқат. Ростдан ҳайратланарли.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

2023-04-07 16:39:25